

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Кимсанбаева Шахноза Бакридиновна

**Аждодларимиз диний меросининг
миллий ўзликни англашга таъсири**

**09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси
(Дин фалсафаси)**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of the Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

Кимсанбаева Шахноза Бакридиновна

Аждодларимиз диний меросининг миллий ўзликни англашга
таъсири.....3

Кимсанбаева Шахноза Бакридиновна

Влияние религиозного наследия наших предков на национальное
самосознание.....19

Kimsanbaeva Shakhnoza Bakridinovna

The impact of our religious heretige on understanding national identity.....35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....39

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КИМСАНБАЕВА ШАҲНОЗА БАКРИДИНОВНА

**АЖДОДЛАРИМИЗ ДИНИЙ МЕРОСИНИНГ
МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШГА ТАЪСИРИ**

**09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси
(Дин фалсафаси)**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Fal294 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хўжамуродов Иброҳим Рўзиевич
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хайдаров Хуррам Фармонович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Айтматов Аминжон Қудратович
фалсафа фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «___» _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24.)

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

И.Р.Хўжамуродов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор

Д.Файзиходжаева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, фалсафа
фанлари номзоди, доцент

Г.Т.Махмудова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, фалсафа фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларининг турли халқлар миллий ўзига хослигига кўрсатаётган салбий таъсири тобора кучайиб бораётган бир даврда миллий ўзликни англашни янги босқичга кўтариш, миллий қиёфа ва миллий руҳиятни сақлаб қолиш умуминсоний аҳамият касб этмоқда. Инсоният тараққиётининг турли давларида дин, диний эътиқод, диний мерос, турли дин вакиллариининг ҳамкорликда яшаши ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини сақлаб қолиш муаммоларини ўрганиш долзарб муаммо бўлиб келган. Сўнгги йилларда дин ва диний омил билан боғлиқ жараёнлар дунё миқёсида тобора авж олиб бораётгани хусусан, диний ақида ва маросимларнинг қадрсизланиши, диний меросга етарли эътибор бермаслик маънавий-ахлоқий инқирозни янада чуқурлаштириб, ёшлар тарбияси, авлодлар ворисийлигига раҳна солмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий марказлари ва илмий тадқиқот институтларида миллатлараро муносабатларни ўрганиш, миллий ўзликни англашга ижобий таъсир этувчи омилларни, аجدодлардан қолган диний меросни таҳлил этишга қизиқиш кескин кучайди. Тадқиқотларда миллий ўзликни англаш, диний-маънавий мерос, маърифат ва диний бағрикенглик каби муаммоларнинг моҳиятини очиб бериш, уларни фалсафий принциплар ва категориялар ёрдамида таҳлил қилишга эътибор қаратилмоқда. Кўпмиллатли мамлакатларда жамият барқарорлигини таъминлашда миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик тамойилларига асосланган ҳолда диний меросдан ўринли фойдаланиб, халқларнинг миллий ўзлигини сақлаб қолиш муаммоларини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар кун тартибига долзарб илмий вазифа сифатида қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти илгари сурган «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» ғояси асосида аجدодларимиз диний меросининг миллий ўзликни англашга таъсирига оид замонавий концепцияларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш ва уларни амалиётга қўллаш бўйича зарур илмий-назарий аҳамиятга молик хулосаларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа саналади. Дарҳақиқат, «...ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб берадиган, барча одамларни эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик йўлида бирлашишга даъват этадиган теран маъноли фикр ва ғоялар бугун ҳам ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотган эмас»¹. Халқимиз учун муқаддас бўлган ислом дини ва унинг инсоният маънавий-маданий тараққиётидаги ўрни масаласига қизиқишнинг тобора ортаётгани ҳам мавзунинг долзарблигини белгилайдиган алоҳида омиллардан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси

¹ Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2- жилд, - Т.: Ўзбекистон, 2018. 82 б.

Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 22 февралдаги ПФ-5667-сон «Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қуватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги қарори, 2019 йил 8 апрелдаги Ф-5465-сон «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1.«Жамиятни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнида миллий, адабий, тарихий ва диний қадриятлар, миллий ғоя, эстетик бадиий тарбия, санъат, моддий ва номоддий маданий мерос, миллий давлатчилик тарихини тадқиқ этиш»нинг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган аждодларимизнинг диний меросини ўрганиш, динлараро бағрикенгликни мустаҳкамлаш ва ундан ватанпарвар, баркамол авлодни тарбиялашда фойдаланишга оид стратегик ғоялари, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг мавзуга тегишли асарлари, Шарқ ва Ғарб алломаларининг диний-фалсафий ҳамда илмий мероси мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Тарихий-маданий, диний мерос, этник мансублик ва миллий ўзликни англашга оид илк қарашларни халқ оғзаки ижодида, муқаддас китобларда, қадимги ёзма манбаларда учратиш мумкин. Шунингдек, Ўрта аср мутафаккирлари, Янги давр ва ҳозирги замон файласуфлари асарларида халқларнинг турмуш тарзи ҳамда миллий ўзликни англашни халқлар психологияси, дунё фани билан узвий боғлиқликда илмий жиҳатдан тадқиқ қилиниши натижасида вужудга келган илғор ғоялар муаммони ўрганишга хизмат қилди.

Миллий ўзликни англашда диний мероснинг тутган ўрнини тадқиқ этишга тарихчи, ҳуқуқшунос, файласуф, диншунос, сиёсатшунос олимларимиз ўз муносиб ҳиссаларини қўшдилар. А.Абдусаметов, М.Абдураимова, Ж.Бахронов, И.Жабборов, Иброҳим Каримов, Н.Комилов, Т.Махмудов, Г.Махмудова, Ш.Мадаева, Н.Назаров, С.Отамуратов, А.Очилдиев, И.Суванов, А.Ташанов, В.Қўчқоров, З.Хаитов,

И.Хўжамуродовнинг илмий ишлари, шулар жумласидан. Уларнинг тадқиқотларида мазкур муаммо яхлит ва тизимли тарзда ўрганилмаган бўлса-да, Ўзбекистон халқининг миллий ўзлигини англашнинг шаклланиш жараёни, унинг ўзига хос хусусиятлари тарихий-диний меросда муҳим омил эканлигига эътибор қаратилган. Айни пайтда, муаммонинг айрим йўналишлари хусусида бир қатор диссертациялар ҳимоя қилинган².

Мамлакатимизда Ўзбекистон халқининг тарихий-маданий, диний, маънавий меросини ўрганиш тарихий хотиранинг тикланиши, миллий ўзликни англашнинг шаклланиши билан узвий алоқадорликда олиб борилмоқда. Муаммонинг ўрганилганлик даражасини таҳлил этиш шуни кўрсатдики, тарихий-маданий меросни ўрганишга бағишланган асарларнинг мавжудлигига қарамай, миллий ўзликни англашда диний мероснинг жамият маънавий янгилинишидаги ўзаро муносабати муаммоси дин фалсафаси нуқтаи назаридан алоҳида тадқиқ қилинмаган. Зеро, муаммонинг ижтимоий, назарий-фалсафий жиҳатини ишлаб чиқиш билан унинг ҳозирги амалий ҳаётдаги ўрни ва ролини ҳам тадқиқ этиш муҳимдир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Марказий Осиё халқлари маънавий, маданий, диний қадриятлари ва ҳозирги замон» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аجدодларимиз диний меросининг миллий ўзликни англашга таъсирини диний-фалсафий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«диний мерос», «миллий ўзликни англаш» тушунчаларининг мазмун-моҳияти ва ўзига хос жиҳатларини ижтимоий-фалсафий тадқиқ этиш;

диний мерос, миллий психология, миллий ўзликни англаш тўғрисидаги илмий-назарий ёндашувларни таҳлил этиш ҳамда аجدодлар диний мероси ва миллий ўзликни англашнинг ўзаро алоқадорлигини асослаш;

диний мерос ва исломий қадриятларнинг миллий ўзликни англашда уйғунлашиши ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили эканлигини ёритиб бериш;

жамиятнинг маънавий янгилинишида диний мерос ва миллий ўзликни англашнинг модернизациялашувини маърифат ва диний бағрикенглик нуқтаи назаридан қиёсий-фалсафий таҳлил этиш ҳамда уларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлашга доир хулоса, амалий таклиф, тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти аجدодлар диний меросининг миллий ўзликни англашга таъсири.

Тадқиқотнинг предмети миллий ўзликни англаш хусусиятлари, унга аجدодлар диний меросининг таъсирини фалсафий таҳлил этишдан иборат.

²Адабиётлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда комплекс ёндашув, илмий билишнинг диалектика, тарихийлик, мантикийлик, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, кузатув, сўров каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

миллий ўзликни англашда диний мероснинг муҳим омил эканлиги очиб берилган;

халқимизнинг маънавий юксалишида аجدодлар диний мероси, этник ўзликни англаш ва миллий ўзликни англашнинг ўзаро алоқадорлиги маънавий омил эканлиги асосланган;

аждодлар диний мероси ва исломий қадриятларнинг миллий ўзликни англашда уйғунлашиши ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили эканлиги очиб берилган;

жамиятда аждодлар диний мероси ва миллий ўзликни англашнинг модернизацияланишида диний бағрикенглик халқаро, конфессиялараро, маданиятлараро алоқаларнинг позитив ривожланишини таъминлашнинг асосий шarti эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

халқимизнинг миллий ўзлигини англашда аждодлар диний меросининг таъсири ва миллий ўзликни англашдаги ўзгаришлар, янгиланиш ва модернизациялаш жараёнлари билан боғлиқ хусусиятлар демократик жамият шароитида фалсафий нуқтаи назардан ўрганилган ҳамда ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тизимлаштирилиб, уйғунлигининг шарт-шароитлари очиб берилган;

аждоларимиз диний меросининг миллий ўзликни англашга таъсирининг назарияси ҳамда методологиясига оид таклиф ва тавсиялар тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган ғоялар ва назарий хулосалардан миллий ўзликни англашда диний мероснинг ўрни ва ролини аниқлашда амал қиладиган таклифларни ўрганиш, давлат сиёсатини тўғри амалга ошириш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини таъминлаш соҳасида ўтказиладиган тадқиқотлар ҳамда методологик ёндашувларни такомиллаштиришда илмий-услубий асос сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улардан олий ўқув юртлари талабалари, магистр ва тадқиқотчиларига «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси», «Фалсафа», «Диншунослик» курсларини ўқитишда назарий ва амалий материал сифатида ҳамда ушбу йўналишдаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини таъминлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аждодларимиз диний меросининг миллий ўзликни англашга таъсирининг фалсафий таҳлили бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

миллий ўзликни англашда диний мероснинг муҳим омил эканлигига оид хулосалардан, диний мерос ва исломий қадриятларнинг миллий ўзликни англашда уйғунлашиши ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили эканлигига доир таҳлиллардан Ўзбекистон мусулмонлари идорасида фойдаланилган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2019 йил 5 октябрдаги 2686-сон маълумотномаси). Илгари сурилган таклиф ва тавсиялар фуқаролик жамиятининг маънавий тараққиётида динийлик ва дунёвийлик уйғунлигини таъминлашга оид замонавий технологияларни такомиллаштиришга, таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

халқимизнинг маънавий юксалишида аждодлар диний мероси, этник ўзликни англаш ва миллий ўзликни англашнинг ўзаро алоқадорлиги маънавий омил эканлигига оид хулосалардан А-1-240-рақамли «Миллий ғоя тарғиботи технологиялари» курси бўйича ўқув қўлланмасини нашрга тайёрлаш» амалий лойиҳаси доирасида, 2016 йилда чоп этилган «Миллий ғоя тарғиботи технологиялари» номли ўқув қўлланманинг тайёрланишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 19 сентябрдаги 89-03-3576-сон маълумотномаси). Ушбу лойиҳани амалга оширишда ва ўқув қўлланмани тайёрлашда олинган хулосалар диний мерос ҳамда миллий ўзликни англашнинг ўзаро алоқадорлиги билан боғлиқ муаммоларни ўрганишда асос бўлиб хизмат қилган;

аждодлар диний мероси ва исломий қадриятларнинг миллий ўзликни англашда уйғунлашиши ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили эканлигига оид таклиф-тавсиялардан Республика маънавият ва маърифат маркази фаолиятида амалга оширилаётган тадбирлар, учрашувларни қизиқарли ва самарали ўтказишда, шунингдек, марказ иш режасидаги «Мафкуравий иммунитет» туркумида аҳоли ўртасида Ватанга садоқат, миллий ўзликни англаш, дахлдорлик фазилатлари, мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантириш, халқаро терроризм, диний экстремизм, радикализм, «оммавий маданият» каби иллатларга қарши тарғибот самарасини ошириш юзасидан ўқув-семинар тренинглар ташкил қилиш»да фойдаланилган (Республикаси маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 18 октябрдаги 02/09-1431-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши юзасидан берилган назарий хулосалар, амалий таклифлар мамлакатимиз ёшлари маънавиятининг янада юксалишига, миллий ўзлигини англашига, аждодлар диний мероси ва исломий қадриятларга ҳурмат туйғусининг шаклланишига, миллий ғояга бўлган ишонч ва эътиқодининг мустаҳкамланишига хизмат қилган;

жамиятда аждодлар диний мероси ва миллий ўзликни англашнинг модернизацияланишида диний бағрикенглик халқаро, конфессиялараро,

маданиятлараро алоқаларнинг позитив ривожланишини таъминлашга оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида миллий ўзликни англашда диний мероснинг ўрни ва ролини аниқлаш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини таъминлаш соҳасида ўтказиладиган тадқиқотлар ҳамда мамлакатимизда аждодлар диний мероси ва қадриятларни ҳурмат қилиш, маърифат ва диний бағрикенглик тамойилларини ҳаётга жорий этиш ва модернизациялашга хизмат қиладиган методологик ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг 2019 йил 14 октябрдаги 383/19-сон маълумотномаси). Бу жамиятда диний бағрикенглик муҳитининг қарор топишига ҳамда халқаро, конфессиялараро, маданиятлараро алоқаларнинг позитив ривожланишини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола (3та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»дан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсад ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Аждодлар диний мероси ва миллий ўзликни англашнинг ўзаро алоқадорлигини ўрганишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида «дин», «диний мерос» ва «миллий ўзликни англаш» тушунчаларининг мазмун-моҳияти ҳамда дин, миллий психология, миллий ўзликни англаш тўғрисидаги илмий-назарий ёндашувлар ўрганилиб, диний мерос ва миллий ўзликни англашнинг ўзаро алоқадорлиги омиллари, тамойиллари фалсафий таҳлил этилиб, тегишли хулосалар чиқарилган.

Диссертацияда диннинг этносга таъсири, унинг этносга нисбатан бажариладиган ижтимоий функциялари орқали намоён бўлиши очиб берилган.

Диссертант фикрича, этносга нисбатан дин чекловчи ва ҳимояловчи, табақаланиш хусусияти, ўзаро алоқадорлик, хабардор қилиш, диний таассурот ўтказиш, тартибга солиш, бошқариш ва ниҳоят тасалли берувчи функцияларини бажариши асосланган.

Турли манбаларда «дин» тушунчасига берилган бир қанча таърифлар қиёсий таҳлил этилиб, дин – энг аввало, ишонч, эътиқоддир, деган фикрга асосий урғу берилган. Дин – Аллоҳ томонидан инсонларни тўғри йўлга бошловчи таълимот эканлигига эътибор қаратилган.

Муаллиф аجدодлар диний меросига қуйидагича таъриф беради. Аждодлар диний мероси – аждодлардан авлодларга ворисийлик асосида ўтиб келаётган илоҳий ҳамда дунёвий тушунча ва тасаввурлар, муқаддас китоблар, диний уламоларнинг асарлари, диний даъватлар, ақидалар, илоҳий қадрият ва мақсадлар ифодаланган ғоялар ва қарашлар мажмуи. Диний мерос ўзининг туб моҳиятини сақлаган ҳолда халқларнинг ҳаёти, бахту саодати, тарбияси, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи, маърифати, руҳий тикланиши, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшашида муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда диний бағрикенглик ғоясига таянган Ўзбекистонда хилма-хил эътиқодга эга бўлган турли миллат вакиллари ҳамжиҳат бўлиб яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Жамиятимизда турли миллат ва дин вакиллариининг ҳамжиҳатликда, умумий мақсад йўлида биргаликдаги амалий фаолиятида аждодларимизнинг диний мероси ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномасида қайд этилганидек, «Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содиқ бўлиб, бу йўлдан ҳеч қачон оғишмасдан илгари боради»³. Мазкур бобда Ўзбекистонда турли миллат ва конфессия вакиллариининг бир замин, бир Ватан учун, олий жаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши таҳлил этилган.

Диссертацияда «этнос» тушунчаси ҳақида фикр юритилиб, муаллиф, этнос – ижтимоий жараёнларнинг маҳсули бўлиб, у ижтимоий ҳодисадир. Этнос ёки муайян этносга тегишли бўлиш халқнинг муайян қатламининг ўзига хос хусусиятлари, характери, урф-одатлари, маданияти, эътиқоди, тили, шунингдек, маънавий-руҳий дунёсида анъанавий моҳият касб этиб келаётган тафаккур ва тасаввурлар йиғиндисини ифодаловчи ижтимоий-маданий организм бўлиб, инсониятнинг бир кўринишидир, деган хулоса чиқаради.

Тадқиқотда «этник» ва «миллий» ўз-ўзини англаш тушунчалари бир-биридан фарқ қилиши ва бу ҳолат барқарор характер касб этиши таҳлил қилинган. Бунинг боиси шундаки, этник тушунча миллий тушунчага нисбатан мазмун жиҳатидан кенг бўлибгина қолмасдан балки, тарихий жараён сифатида ҳам бир-биридан фарқ қилади.

³Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси//Халқ сўзи, 2018 йил 29 февраль

Этник ўз-ўзини англаш-этник жамоалар ижтимоий психологиясидаги энг мураккаб тузилиш белгиларидан иборатдир. Унга шахс ўзлигини англашининг фақат бир томони сифатида қарамоқ керак. Этник ўз-ўзини англашга энг аввало халқ ёки этник гуруҳлар ва миллат эга бўлиши эътиборга олинса, миллий ўз-ўзини англаш тўғрисида фикр юритиш тўғри бўлади.

Диссертант фикрича, миллий ўз-ўзини англаш – у ёки бу миллатнинг ўзига хос манфаатларини, миллий тафаккур тарзи, миллий дунёқараш, унинг бошқа миллий жамоа (гуруҳлар) ўртасидаги ўз ўрнини акс эттирувчи ижтимоий-психологик воқеликдир. Бошқача айтганда, миллат ўз эркига, эркин тараққиётга эришиши орқали ўзини, ўзлигини, ўзининг моҳияти ва манфаатлари, ўз ҳуқуқи, бошқа халқлар ўртасидаги ўрнини англаши мумкин. Миллий ўзлигини англаш бу ўринда ўзини билишнинг объекти ва субъекти мақоми вазифасини бажаради.

Миллий ўзликни англаш бу – халқнинг ўтмиши, унинг босиб ўтган шонли йўли, ўзига хос маданияти, миллий тафаккур тарзи, миллий дунёқараш, тил ва менталитет бирлиги, урф-одат ва анъаналари, тарихан орттирган бой ҳаётий тажрибаси, диний мерос ва қадриятларни англаш ва қадрлашдир.

Диссертацияда дин, этнос, миллий ўз-ўзини англашнинг диалектик алоқадорлиги: а) этнос (этник гуруҳ) ва миллий психологиянинг ажралмаслигида; б) этнос, (миллат) ва диннинг ёнма-ён ривожланишида; в) миллий ва диний хусусиятларнинг айнанлашувида; г) миллат ва ўз-ўзини англашнинг умумалоқадорлигида намоён бўлиши таҳлил этилган.

Этноснинг барча ижтимоий ҳодисаларига муносабати (дин, миллат, миллий психология ва бошқалар) диалектик бирликда кечгандагина ўзаро таъсир кучини кўрсатади. Бу ҳолат ҳар қандай тарихий жараёни тадқиқ қилишда тарихийлик услубини қўллашни тақозо этади. Шундагина «этнос», «миллий психология», «этник ўзликни англаш», «миллий ўзликни англаш» тушунчалари ва алоқадорлиги ҳақида тўғри хулоса чиқариш, ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий тараққиётини таъминлашга хизмат қилиши мумкин.

Диссертациянинг **«Аждодлар диний мероси ва халқ қадриятларининг миллий ўзликни англашга таъсири»** деб номланган иккинчи бобида Марказий Осиёда исломгача бўлган даврдаги динлар, маросимлар, байрамлар, исломнинг халқимиз ҳаётига кириб келиши ва унинг миллий ўзликни англашига таъсири муаммоларини ўрганишнинг зарурлиги диний-фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ этилиб, жамиятнинг маънавий янгиланиши шароитида аждодларимиз диний меросининг миллий ўзликни англашга таъсири ижтимоий-фалсафий таҳлил этилган, тегишли хулосалар чиқарилган.

Мустақиллик шарофати билан тарихимизни холисона ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбек халқи жаҳон маданияти тарихига муносиб ҳисса қўшган халқлардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти қайд этганидек, «халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва бой

давлатчилик тажрибасини ифодаладиган бой меросимизни ўрганиш»⁴ давр талабидир.

Тадқиқотда аجدодларимиз ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган исломгача мавжуд бўлган анъаналарнинг аксарияти соф диний ёки ижтимоий мазмунга эга бўлмай, улар, энг аввало, инсон олами ва руҳиятининг муайян қонуниятларидан келиб чиқадиган воқеа-ҳодисалар асосида шаклланганлиги сабабли халқимиз онги ва турмушида мустаҳкам ўрин эгаллаб, унинг ўзлигини англашининг муҳим омилига айланганлигини эътиборга олиш зарурлиги таҳлил этилган.

Мамлакатимизнинг бир қатор ҳудудларида 2019 йил май-июнь ойларида, жумладан, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида «Ўзликни англаш ва динга бўлган муносабат» мавзусида социологик тадқиқот ўтказилди. Сўровномада 320 дан ортиқ респондентлар иштирок этишди. Яроқли деб топилган 300 та анкета бевосита қайта ишлаш учун саралаб олинди. Ҳар бир ҳудуддан иштирок этган респондентлар сони мос равишда 100 нафарни ташкил этди. Сўровда иштирок этган респондентлардан «Динга муносабатингиз қандай?» деган саволга 33,3% респондент - «Дин инсонлар учун энг зарурдир», деб жавоб берган бўлса, 16,7% респондент - «дин орқали кўп муаммоларни бартараф этиш мумкин», деб жавоб берган, 12,5% респондент, аксинча, «дин кўпинча ўзидаги тақиқлар билан ноқулайликлар туғдиради», деб жавоб қайтарган. 10,8% респондент эса ўзининг «динга бефарқ»лигини қайд этиб ўтган. 7,5% респондент - «дин баъзида керак бўлади», деб жавоб қайтарган бўлса, яна шунча респондент эса бунинг аксини, яъни «динсиз ҳам яшаса бўлади», деган жавобни берган. Навбатдаги: «Сиз ўзингизни диндор деб ҳисоблайсизми?» деб берилган саволга, 25,8% респондент ўзини «диндор эканлигини ҳамда фаол диний турмуш тарзига эга» эканлигини эътироф этган бўлса, 30,8% респондент - «Аллоҳ юрагимда», деб жавоб қайтарган. 12,5% респондент ўзи унчалик «динга берилмаганлигини ҳамда фаол диний ҳаёт тарзига эга эмас»лигини, 7,5% респондент эса ўзи «худога ишонса-да дунёвий ҳаёт кечириши»ни қайд этган бўлса, 11,7% респондент учун мазкур саволга жавоб қайтариш бироз бўлса-да қийинчилик туғдирганини билдирган. «Дин сизнинг оилавий ҳаётингизда қандай аҳамиятга эга?» деган саволга респондентларнинг 43,3%и «урф-одатлар ва маросимларни ўтказиш замини», деб жавоб берган бўлса, 30% респондент - «Дин мен ва оила аъзоларим учун тарбия, одоб-ахлоқнинг асосидир», деб жавоб берган. 10% респондент - «Ҳеч қандай динга эътиқод қилмайман», деб жавоб қайтарган. 6,7% респондент - «Дин фарзандлари тарбиясининг асоси» деб билса, 2,5% респондент - «Дин менинг ҳаётимда унчалик аҳамият касб этмайди», деган

⁴Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017.-Б.-5.

жавобни берган. Яна шунча, яъни 2,5% респондент мазкур саволга «жавоб беришга қийналишини» билдирган⁵.

Диссертацияда диний, исломий ва миллий омилларнинг узвий алоқадорлиги тарихий тараққиёт жараёнида таркиб топганлиги асосланган. Ислом туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг турли хил этник муҳитида кенг тарқалган. Ислом ўзига ёт бўлган этник муҳитга тил, фольклор, эртақ ва афсоналар, қабилавий эътиқодлар, урф-одатлар ва бошқа кўпдан-кўп йўллар орқали кириб борган. Натижада турли хил этник, миллий жамоа, гуруҳларга тегишли бўлган Марказий Осиё халқлари мусулмон байрамлари, маросим ва урф-одатларини ўз халқининг расм-русумлари, миллий анъаналари, деб ҳисоблай бошладилар. Тадқиқотда бу байрамлар, маросимлар ва урф-одатлар халқимизнинг маънавий ҳаёти, турмуш тарзидан мустаҳкам ўрин эгаллаб, миллий анъаналар ва қадриятлар тарзида эъзозланиб, фарзандлари маънавий-ахлоқий тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўла бошлагани асосланган.

Диссертантнинг фикрича, ислом динининг муқаддас китоби «Қуръон» ва унинг одамларни ҳурлик, озодлик, тенглик, яхшилик, саҳийлик ҳамда биродарлик, бағрикенглик, қардошликка даъват этувчи ғоялари Марказий Осиё халқлари онги ва шуурига ҳам аста-секинлик билан сингиб борган. Шу тариқа, ислом қадриятлари халқ маънавий ҳаётининг узвий таркибий қисми сифатида унинг турмуш тарзидан, хатти-ҳаракатидан муносиб ўрин олди ҳамда бугунги кунда ҳам Ислом дини ва қадриятлари халқимизнинг ўзига хослигини, миллий ўзлигини сақлаб қолишига, ривожлантиришига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Мазкур бобда диннинг миллий маданият ва қадриятлар ривожига, халқимизнинг ўзига хос хусусиятларини, миллий ўзлигини сақлаб қолиши, ривожланиши, такомиллаштиришдаги ўрни ва аҳамиятини камситишга ёки ошириб юборишга ҳам йўл қўймасдан уларнинг ўзаро муносабатини уйғун ҳолда ўрганиш зарурлиги таҳлил этилган. Акс ҳолда, миллий маданият ва миллий-диний мероснинг янада ривожланишига ҳалақит берилади. Ислом шахслар ўртасидаги, оилавий-маиший муносабатлар, анъана ва урф-одатларда, яъни инсонларнинг ўзаро муносабатлари соҳаларига таъсирини кўпроқ ўтказаверади. Ислом, айниқса, миллий ҳиссиёт ва ҳуқуқ-тартибот соҳаларида йўл қўйилган камчиликларга, чекланишларга, ижтимоий адолатнинг бузилишига, миллатлараро ва динлараро муносабатлардаги салбий ҳодисаларга жуда эҳтиёткорлик, осойишталик билан эътибор беради ҳамда мавжуд талабларни тартибга солади. Шу билан бирга ислом диндорларнинг онги ва кайфиятига, уларнинг интилиши, ижтимоий хатти-ҳаракати, уларнинг эҳтиёж ва қизиқишларига, қадриятларига, ўзлигини англашига кучли таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг учинчи боби **«Жамиятнинг маънавий янгиланишида аждодлар диний мероси ва миллий ўзликни англашнинг модернизацияланиши: муаммо ва ечимлар»** деб номланади. Мазкур бобда

⁵Юқорида келтирилган социологик маълумотлар тадқиқотчи томонидан Тошкент ва Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида «Ўзликни англаш ва динга бўлган муносабат» мавзусида мустақил ўтказилган социологик тадқиқот натижаларидан олинди.

Ўзбек халқининг тарихан шаклланган маданий-диний мероси тараққиётининг турли босқичларида дин, диний мерос ва миллий ўзликни англашнинг ривож ва такомиллашишига нисбатан қўлланган сиёсатнинг мазмун-моҳияти фалсафий таҳлил қилинган. Жамиятнинг маънавий янгиланиши шароитида диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлилик ва қадриятларнинг ижтимоий, индивидуал онгда қарор топишига оид усуллар ва механизмлари тадқиқ этилиб, назарий хулосалар чиқарилган.

Мазкур бобда ҳозирги замонавийлашиш жараёнида маданий-диний меросни, айниқса, исломий қадриятларнинг ҳозирги давр норасмий диний ҳаракатлар, ақидапарастлик ҳамда экстремизм билан боғлашга уринаётган чет элдаги айрим «назариётчилар»нинг қарашлари реал воқеликка нафақат мос эмаслиги, балки қарама-қарши эканлиги фалсафий жиҳатдан асосланган.

Жамиятнинг маънавий ҳаёти мураккаб, ранг-баранг омиллар таъсирида шаклланади ва бу жараён узлуксиз ривожланиб боради. Тараққиётнинг динамик хусусияти, аслида, маънавий ҳаётнинг мураккаб ва ранг-баранг ўзгаришлар, янгиланишлар таъсири орқали акс этади. Шунинг учун жамият маънавий ҳаёти ва ундаги ўзгаришлар ҳамда янгиланишларни маълум бир меъёрларга, ўлчов ва кўрсаткичларга солиш ҳар доим муайян қийинчиликлар туғдирган. Айниқса, диний мероснинг жамият маънавий ҳаётига таъсирини ва ундаги ўзгаришларни аниқлаш осон бўлмаган. Жамиятнинг маънавий янгиланиши жараёнида диний мерос ва миллий ўзликни англашда анъанавийлик ва замонавийлик уйғунлигини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Муаллиф фикрича, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб берадиган, барча одамларни эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик йўлида бирлашишга даъват этадиган теран маъноли фикр ва ғоялар бугун ҳам ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотган эмас. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида ҳам диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири «жаҳолатга қарши маърифат» улуғвор ғоя асосида инсонпарварлик моҳиятини, эзгулик, тинчлик ва инсонийлик каби фазилатлар азалий қадриятларимиз ифодаси эканлигини кенг ёритиш, ислом ва жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган аجدодларимизнинг бой маданий меросини чуқур ўрганиш асосида ёшларнинг онгу тафаккурини шакллантириш⁶, эканлиги кўрсатилган.

Диссертацияда тарихий-маданий меросимизни исломдан холи тасаввур қилиб бўлмаслиги асосланган. Бугун миллий ўзлигимизни англашда ҳам ислом қадриятларининг ўрни ва роли бекиёсдир. Ушбу анъанавий диний мерос билан замонавий ислом ўртасидаги муносабат бўлиб, маънавий ҳаётимизда анъанавийлик ва замонавийликнинг уйғунлигини кўрсатади. Мазкур фикрларнинг тўғрилигини социологик сўров маълумотлари ҳам

⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний- маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги Фармони// Халқ сўзи, 2018 йил 17 апрель.

тасдиқлайди. Жумладан, сўровномадан ўрин олган «Сизнингча - кишини ахлоқсизликлардан қайтара оладиган асосий омил нима?» деган саволга 48% респондент - «диний тарбия ва гуноҳ ишлардан қўрқиш кишини ахлоқсизликдан қайтара оладиган асосий омиллардан бири», деб жавоб берган, 24% респондент - «кишини ахлоқсизликдан қайтарадиган бирдан - бир восита бу - оилада бериладиган тарбия», деб қўрсатиб ўтишган. Тадқиқотда иштирок этган 15% респондент - «махалла ва жамоатчилик олдида шармандаликдан қўрқиш», деб жавоб қайтарган бўлса, 13% респондент - «миллий ахлоқ ва маънавий тарбия ҳам кишиларни ахлоқсизликдан қайтара олиши мумкин», деб жавоб берган. «Сизнинг миллий ўзлигингиз нималарда ифодаланади?» деган саволга респондентларнинг 47,3%и «ўз давлат тилини мукаммал билиш ва эъзозлаш», деб жавоб қайтаришган бўлишса, 41,8% респондент - «она тилини севиш» тамойили деб жавоб қайтаришган. 34,5% респондент мос равишда - «ўз миллатига мансублик ҳиссини туғилиб ўсган юртни тарихига муҳаббат ҳамда ўз халқини севиш, она тилини севиш, ўз халқининг тарихини, маданиятини, анъаналарини яхши билиш ва ҳурмат қилиш», деб жавоб берган. 7,3% респондент мазкур саволга жавоб бермаган. «Сизнингча, одамлар учун қуйидагилардан қайси бири устувор бўлиши зарур?», деган саволга 29% респондент диний ёндашган ҳолда - «Қуръони карим», деб жавоб берган бўлса, 19% респондент - «мустақил фикрлаш», деб эътироф этган. Кейинги ўринларда меҳнатсеварлик (14%), ватанга муҳаббат (12%), эркинлик (11%), адолатпарварлик (10%) ҳамда садоқат (5%) деб жавоб берган⁷.

Тадқиқотда бугунги кунда экстремизм ва терроризм ислом дини мазмунини бузиб, бутун дунёда унга нисбатан нотўғри фикр уйғотаётганлиги таҳлил қилинган. Зеро, динни ниқоб қилиб олган экстремизм ислом динининг душмани эканлиги, исломни хунрезлик ва жаҳолат куралига айлантиришга уринаётгани танқид қилинган.

Диссертацияда инсоният жамияти эволюциясининг барча босқичларида бағрикенглик катта аҳамиятга эга ижтимоий ҳодиса бўлиб келганлиги ўрганилган. Замонавий воқелик ҳам диний бағрикенглик халқаро, конфессиялараро ва маданиятлараро алоқаларнинг позитив ривожланишини таъминлашнинг асосий шартларидан бири эканини кўрсатмоқда. Муаллиф фикрича, шу маънода, бағрикенглик билан боғлиқ масалаларни фалсафий тадқиқ этиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади. Зеро, «Бағрикенглик тамойиллари декларацияси»да қайд этилганидек: «Бағрикенглик бўлмаса тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди»⁸. Ушбу фикрларнинг тўғрилигини Ўзбекистон Республикаси Президенти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош

⁷ Юқорида келтирилган социологик маълумотлар тадқиқотчи томонидан Тошкент ва Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида «Ўзликни англаш ва динга бўлган муносабат» мавзусида мустақил ўтказилган социологик тадқиқот натижаларидан олинди.

⁸Бағрикенглик тамойиллари декларацияси // Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар тўплами / Масъул мух. А.Х.Саидов. – Т.: «Адолат», 2004.-Б.-214.

Ассамблеясининг 72-сессиясининг «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюция қабул қилиш таклифи билан чиққанлиги ва бу ташаббус дунё ҳамжамияти учун ғоят муҳим бўлганлиги сабабли, 2018 йил 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюцияси қабул қилинганлиги тасдиқлайди. Ушбу ташаббус Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат»⁹ йўналишига мос бўлиб, уни дунё ҳамжамияти Ўзбекистоннинг маърифат ва диний бағрикенглик ташаббуси сифатида қўллаб - қувватлангани таъкидланади.

Юқорида келтирилган фикрларни таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди: биринчидан, мустақиллик туфайли бугунги кунда Ўзбекистонда ислом дини ва маърифати халқимиз ҳаёт тарзи билан тобора чуқур боғланиб, уларнинг ўзига хослиги ва миллий ўзликни теран англашига катта имкониятларни яратмоқда; иккинчидан, маърифат ва диний бағрикенглик диний мутаасиблик ва жаҳолат билан келиша олмайди. Демократик ўзгаришлар ва у билан боғлиқ янги қарашларга таяниш асосида мутаасиблик ва жаҳолатпарастликнинг олдини олиш мумкин; учинчидан, маърифат ва диний бағрикенглик билан динни бир-бирига қарама-қарши қўйиш илмий ва амалий жиҳатдан асоссиздир. Бугунги дунёда, айниқса ислом динини бағрикенгликдан, маърифатдан «бегона» у билан келиша олмайдиган дин сифатида кўрсатишга уринишда, муайян мақсад ва манфаатлар борлигини эътиборга олиш зарур; тўртинчидан, ислом қадриятларига асосланган ҳолда ҳам демократик тамойилларга асосланган, дунёвий, фуқаролик жамият қурилиши мумкин эканлигини Ўзбекистон тажрибаси ҳам тасдиқлаб турибди; бешинчидан, дунёвий давлатда аждодлар диний мероси ва қадриятларни ҳурмат қилиш, турли диний конфессиялар фаолиятига шароит яратиш, маърифат ва диний бағрикенглик тамойилларига тўла мос келади ҳамда мамлакатда жамиятнинг маънавий янгилиниши ва модернизациялашуви мақсадига хизмат қилади.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Миллат(этнос)га хос хусусиятларнинг ривожланиши ва қарор топиши ижтимоий сиёсий воқелик ва ҳодисалар билан диалектик боғлиқликда бўлади ва нодемократик шароитда ҳам миллий характери йўқотмайди. Дин, этнос, миллий психология ва миллий ўз-ўзини англашнинг ўзаро боғлиқлиги қанчалик юқори бўлса, уларнинг бир-бирига таъсири ҳам шунчалик кучли бўлади.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2. Ўзбек халқининг миллий ўзлигини англашга бўлган интилиш «миллатчилик», «миллий биқиқлик», «миллий айирмачилик» каби тушунчалардан тамомила фарқ қилади. Ўзбекистон шароитида юздан ортиқ миллат ва элатлар кўп йиллар давомида бирга ёнма-ён меҳнат қилиб, ҳаётнинг оғир-енгиллигини бирга баҳам кўриб келмоқдалар. Шунинг учун ўзбек халқидаги ва бу минтақада яшовчи бошқа этносларнинг миллий урф-одатлари ўзига хослиги сақланган ҳолда байналмилаллик хусусиятлари ҳам ёнма-ён ривожланди. Бу демократик жамият қуришда аجدодлар диний мероси миллий ўзликни англашнинг ажралмас қисми эканлигидан далолатдир.

3. Исломгача халқимиз ҳаётидан ўрин олган, уларнинг турмуш тарзини безатган, маънавий руҳиятини кўтарган урф-одат, маросим ва анъаналар ислом қабул қилинганидан сўнг ҳам маданиятимиз ривожига ва халқимизнинг миллий ўзлигини англашининг шаклланишига кўмаклашиб, муҳим аҳамият касб этган.

4. Дунёвий демократик жамият қурилиши аجدодлар динини ва диний меросини инкор этмайди, аксинча, виждон эркинлигини кафолатлаш орқали кишиларда дин билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган маданий меросга қизиқишини оширди. Бунда ўзбек халқининг миллий ўзлигини англашга интилишининг таъсири ҳам кучли эди.

5. Аждодларимиз диний мероси ва исломий қадриятларни ақидапарастлик ва экстремистик ҳаракатлар билан боғлашга, исломни ичдан зиддиятлаштиришга, уни демократияга зид қўйишга уриниш асоссиз бўлиб, бундай уринишлар мустақил Ўзбекистон хавфсизлиги ва барқарорлигига ижтимоий – сиёсий, мафкуравий ғоявий ва маънавий соҳаларга таҳдиддир.

6. Ўзбекистонда демократик жамият шаклланиши жараёни турли миллат, элат вакиллариининг ўзлигини англаши, тили, урф-одати, анъана ва қадриятларининг ривожланиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш, мамлакатда миллатлараро тотувлик ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашнинг асосий шarti ҳисобланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.F.01.05
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

КИМСАНБАЕВА ШАХНОЗА БАКРИДИНОВНА

**ВЛИЯНИЕ РЕЛИГИОЗНОГО НАСЛЕДИЯ НАШИХ ПРЕДКОВ НА
НАЦИОНАЛЬНОЕ САМОСОЗНАНИЕ**

**09.00.02 – Философия форм сознания, культуры и практики
(Философия религии)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2019

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2018.2.PhD/Fal294.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) вложен в веб-сайт Ученого совета (www.fs-ik.uz) а также в информационно-ресурсный портал «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Хужамурадов Иброхим Рузиевич
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Хайдаров Хуррам Фармонович
доктор философских наук, профессор

Айтматов Аминжон Кудратович
доктор философских наук, доцент

Ведущая организация:

Международная исламская академия Узбекистана

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 года в ____ часов на заседании Научного совета №DSc.27.06.2017.F.01.05 при Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100174, г.Ташкент, улица Университетская, дом 4. Здание факультета Социальных наук Национального университета Узбекистана, 5 этаж, 511-аудитория. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована под № 120). (Адрес: 100174, г.Ташкент, улица Университетская, дом 4. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года
(реестр протокола рассылки №__ от «___» _____ 2019 года)

И.Р.Хужамурадов

Председатель Научного совета
по присуждению ученых
степеней, доктор философских
наук, профессор

Д.Э.Файзиходжаева

Ученый секретарь Научного
совета по присуждению ученых
степеней, кандидат
философских наук, доцент

Г.Т.Махмудова

Председатель научного
семинара при Научном совете по
присуждению ученых степеней,
доктор философских наук,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня в эпоху глобализации, когда в мире происходят процессы, усиливающие негативное влияние на национальную самоидентичность разных народов мира, общечеловеческое значение имеет поднятие на новый уровень национальное самосознание, сохранение национального образа и духовного восприятие мира. На всех этапах развития человечества, во многих странах мира актуальной проблемой являлось религия и религиозное наследие, влияние на религиозную толерантность и национальное самосознание. В последние годы религия и связанные с ней факторы становятся всё более глобальными, в частности: обесценивание религиозных верований и ритуалов, недостаток должного внимания к религиозному наследию приводят к нравственно-этическому кризису и усугубляют процесс воспитания и образования молодёжи, передачи им наследия поколений.

Сегодня в ведущих научных центрах и научно-исследовательских институтах мира резко увеличился интерес к изучению и анализу позитивных факторов, влияющих на межнациональные взаимоотношения и религиозное наследие предков. В исследованиях обращается внимание на осознание национального самосознания, на раскрытие таких проблем, как религиозно-духовное наследие, просвещение и религиозная толерантность, на их анализ с помощью философских принципов и категорий. В многонациональных странах в обеспечении стабильности общества, основываясь на принципы межнациональной солидарности, религиозной толерантности, уместно используя религиозное наследие, исследования по изучению проблем сохранения национального самосознания выносятся на повестку дня в качестве актуальных научных задач.

На основе идеи «От национального возрождения- к национальному развитию», выдвинутой Президентом Республики Узбекистан, одной из основных задач, стоящих перед нами является разработка выводов о сущности и применении современных концепций о влиянии религиозного наследия наших предков на национальное самосознание. Действительно, «...по сей день не потерявшие актуальности глубокие мысли и идеи, которые раскрывают истинно гуманистическую суть ислама, призывают всех людей, независимо от их национальности, вероисповедания и социального статуса, к добру, милосердию и согласию»¹. Растущий интерес к исламской религии, которая является священной для нашего народа и её роль в духовном и культурном развитии человечества, является ещё одним фактором, определяющим актуальность темы.

Данное диссертационное исследование в известной степени служит выполнению задач. Определённых в Законе Республики Узбекистан от 14 сентября 2019 года о «Государственной молодёжной политике», Указе

¹ Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2- жилд, - Т.: Ўзбекистон, 2018. 82 б.

Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Указе Президента Республики Узбекистан УП-5046 от 19 мая 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию межнациональных отношений и дружественных связей с зарубежными странами», УП-5416 от 16 апреля 2018 года «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в религиозно-просветительской сфере», УП-5667 от 22 февраля 2019 года «О мерах по государственной поддержке проведения социологических исследований», Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3160 от 28 июля 2017 года «О повышении эффективности духовно-просветительской работы и подъеме отрасли на новый уровень», распоряжении под номером Р-5465 от 8 апреля 2019 года «О мерах по разработке концепции развития национальной идеи на новом этапе развития Узбекистана» и других правовых документов.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий в Республике. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением 1. «Исследование национальных, литературных, исторических и религиозных ценностей, национальной идеологии, художественно-эстетического воспитания, искусства, материального и нематериального культурного наследия, истории национальной государственности в процессе реформирования и модернизации общества».

